

Кириш

Инсоннинг яшаш шароитини доимий яхшилаб бориш характери ўсиб бориши билан бирга, унинг сони ҳам кўпайиб бормоқда. Бу ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш атамаси бу маълум турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки ишни бажаришдаги иштирокчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатидир. Шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнида вақт, воситалар, иш кучи ва материаллар мувофиқлиги бўлади.

Ўзбекистонда аҳолини муҳофазалаш давлатнинг асосий вазифаларидан биридир. Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти шароитига ўтишида ижтимоий ҳимоялаш бешта асосий тамойилларнинг бири сифатида белгиланган.

*Одамларни, ишловчиларни
ишлаб чиқариш жараёнлари
асосидаги хавфлардан муҳофаза
қилиш ҳам ижтимоий
муҳофазанинг асосий қисмларидан
биридир.*

Дала шароитида ишлайдиганларнинг касалланиш статистик маълумоти қуйидагича:

- Шамоллаш-21 %*
- Суяк-мускул касаллиги- 8.2%*
- Юрак – томир тизими касаллиги-7.8 %*
- Овқат ҳазм қилиш аъзолари- 6.8 %*

Сув хўжалиги ишлаб чиқариши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, анча мураккаб тизимдир. Сув хўжалиги иншоотлари асосан дала шароитларида барпо этилади. Шу сабабли машина механизмлар маҳсулот ишлаб чиқариши (бетон, темир бетон ва бошқа тузилмалар), ишларни бажариши, эксплуатация қилиши, қурилишни бажариши билан боғлиқ бўлган жараёнларга табиий муҳит, ер, сув шароитлари, транспорт, метрологик шароитлар ва бошқалар таъсир этади.

2019 йил Ўзбекистон бўйича 3200 минг тоннадан ошиқ пахта хом ашёси етиштирилди. Бунга эришишда ер ишлари ва агротехник ишларни бажарувчи техника ва технологиялардан фойдаланилган. Улар ўз навбатида ишлаб чиқариш воситалари сифатида ўзига характерли инсон учун зарарли газларни ишлаб чиқаради.

Жараёнларни амалга ошириш учун инсон машина механизм технология табиий муҳит боғлиқлиги мавжуд бўлади. Шу сабабли инсон учун кўплаб яширин хавфлар мавжуддир. Хавфсизликни таъминлаш ҳам мураккаб ва турли хил бўлади. Шу сабабли ишлаб чиқариш жараёни хавфсизлиги ҳам ишлаб чиқариш жараёни характеридан келиб чиқиб аниқланади